



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 28 ноябр, чоршанба № 186 (1200)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 yil — Onalar va bolalar yili



Ислохот инсон учун ДЕҲҚОН РЎЗГОРИГА БАРАКА КИРДИ

Кишлоқда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилаётгани, меҳнатга янгича муносабатларнинг шаклланаётгани деҳқон турмушини маъмур этиб, яхши ҳаёт кечиришини таъминламоқда.

Қарши туманидаги Юсуф Хушвақтов номидаги жамоа хўжалиги бундан 2-3 йил олдин қоқоқ ҳисобланиб, иқтисодиётда орқага кета бошлаган эди. Туман раҳбарлари шу жойда туғилиб ўсган, тажрибали мутахассис Турсунпўлат Ҳақбердиевни хўжалик бошқаруви раислигига тавсия этишди. У малакали иқтисодчи эмасми, ишни тежамкорликка қатъий амал қилишдан бошлади. Энг муҳими, ишлаб чиқаришда инсон омилининг тугган ўрнига тўғри баҳо берди, одамлар билан тил топишиб, хўжаликнинг истиқболига ишонтира билди.

Тадбиркорлик, ушқоқлик ва фидойи меҳнат ўз натижасини берди. Режалар ошириб бажарилиб, даромад кўпайди. Жамоада интизом, ишчанлик ва аҳиллик вазияти қарор топди.

Жорий йилда галлачиликда жиддий бурилиш бўлди. Ҳар гектар майдондан 40 центнердан ошириб ҳосил олинди. Шунинг 310 тоннаси режасини ошириб бажарган пудратчиларга берилди.

— Пай усулида ишлаётганлигимиз ўз самарасини кўрсатди, — дейди хўжалик раҳбари. — 813 нафар пайчининг ҳаммаси ишга виждонан ёндашади. Иш ҳақидан қарзимиз йўқ. Бу йил аъзоларимизга камиди 30 миллион сўм дивидент

тарқатилади. Жамоада ислохот туфайли рўзгори баракали бўлиб бораётган деҳқонлар кўп. Масалан, Азим Хўжаев бошлиқ ижарачилар 24 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 68 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Олинган галлинани 22 тоннаси ижарачининг ўзига берилди. Облоберди Очилов бошлиқ жамоа 55 центнердан, Эркин Давронов етакчилиги қилаётган ижарачилар 57 центнердан хирмон кўтардилар. Уларга 9 тоннадан 11 тоннагача дон берилди. Галлачиликнинг ўзидан 61 миллион сўм соф фойда кўрилди.

Кишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларнинг ислохот қилиниши аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга олиб келди.

— Режани ошириб бажарганларга 2 миллион сўмлик мукофот тарқатилди, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси З.Муминов. — Олинган фойда ҳисобидан кишлоқларни ободонлаштиришга маблағ ажратилди.

Эгуликнинг эрта-кечи бўлмайди. 60 дан ортиқ кам даромадли оилага 22 тонна галла, ем-хашак тарқатилди. Эҳтиёжман, ёлғиз қария, боқувчисини йўқотган, иккинчи жаҳон уруши ноғиронлари ҳолидан ҳар доим хабар олиб турилибди.

Жамоа аъзоларига 2 миллион сўмлик иш кийимлари тарқатилди.

Қишлоқ шифокорлик шаҳобчаси, мактаблар, «Навбахор» болалар боғчасининг иситиш тармоқлари қайта таъмирланди. Кам даромадли оилаларнинг болалари учун 400 минг сўмлик дарсликлар ва ўқув қуроллари олиб берилди. Хўжалик номидан мактаб ўқувчиларига ҳар бири 3 минг сўмлик моддий мадад ташкил этилган.

Шу йилнинг ўзида 40 та хонадонга табиий газ ўтказилди. Ҳозирги пайтда 550 оила «зангори олов»дан фойдаланяпти. Тўябўйин кишлоғини газлаштиришга 2 миллион 800 минг, икки йўлларни асфальтлашга 4 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Кишлоқда янгича хўжалик юритиш механизмининг жорий этилиши деҳқонда ерга эгаллик ва ундан унумли фойдаланиш учун маъсуллик кайфиятини юзага келтирди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 21 минг сўмга тўғри келапти.

Даромад ошган сари келажакка кенг йўл очилади. Шу кунларда лойиҳа қуввати 733 минг АКШ долларига тенг бўлган сутни қайта ишлаш заводини қуришга тайёрлик кўрилмоқда. Ана шунда 45 та янги иш ўринлари яратилади.

Маҳалла гузарини барпо этишга киришилди. Ҳаммом ва санъат саройи таъмирланияпти. Сифатли ичимлик суви муаммосини ҳал этиш, мавжуд 4 та кишлоқни ободонлаштириш учун қўшимча маблағ ажратилди. **И. ИСОМУТДИНОВ.**



Қувасой туманидаги Ўзбекистон-Америка «Деларос» қўшма корхонасида яна бир ишлаб чиқариш тармоғи ишга тушди. Эндиликда бу ерда қурилиш хом ашёлари-



дан бўлган пайвандлаш электродлари ва мих ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аини дамда бир сменада 5 тоннагача электрод ишлаб чиқарилмоқда. Қўшма корхона



маҳсулотлари замонавий технологиялар асосида тайёрланган. Улар юқори сифатлилиги билан мижозлар эътиборига сазовор бўлмоқ-

да. **Суратларда: тайёр маҳсулотлар йиғув участкаси ишчилари; корхонанинг умумий кўриниши. М.КОДИРОВ (Ўза) олган суратлар.**

АФГНИСТОНГА ЮКНИНГ САЛМОҚЛИ ҚИСМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ҳукумати аввало уруш, шу билан бирга, табиий офатлар туфайли ўта аянчли аҳволга тушиб қолган Афғонистон халқига жаҳон ҳамжамияти томонидан ёрдам кўрсатилишини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаб, бу борада БМТ билан ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканлигини билдирган эди. Аини пайтда, БМТ маълумотларига кўра, мурувват тарихида афгон заминига юборилаётган юкларнинг қарий ярми Ўзбекистон орқали ўтмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари инсонларварлик ёрдамини етказиб беришдек хайрли ишга ҳисса қўшиб келмоқда. Фавқулодда вазиятлар вазирлигига (ФВВ) эса асосий мувофиқлаштирувчи вазифаси юклатилган.

Шу кунларда Амударёдан ҳар кун икки бор бажараларда 200-300 тонна юк Афғонистон ҳудудига ўтказилапти. Нариги соҳил билан алоқа 14 ноябр кун иш бошланган: илк баржа шу кун Афғонистон соҳилига борган эди. ФВВдан олинган маълумотга кўра, шу кунгача БМТнинг нариги қирғоқдаги вакилларига жами икки минг тоннага яқин юк етказиб берилган.

Инсонпарварлик ёрдами асосан озиқ-овқат, кийим-кечак, чодир, дори-дармон ва полиомиелитга қарши вакциналардан иборат. Термиз шаҳри яқинидаги омборларда шундай маҳсулотларнинг яна минг тоннаси Афғонистонга жўнатиш учун тахт қилиб қўйилган.

Афгон халқига мурувват тарихидаги юклар асосан БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон озиқ-овқат дастури, Қочқинлар масаласи бўйича олий комиссия бошқармаси йўналишлари билан мамлакатимизга келтирилмоқда. БМТнинг Термиздаги вакиллари берган маълумотга кўра, Афғонистондаги ноҳар аҳволда қолган аҳолига ёрдам кўрсатишнинг олти ойлик режаси ишлаб чиқилган. Унда хавфсизлик муаммолари тўла бартараф этилганидан сўнг ҳар ой 15-16 минг тонна юк етказиб берилади. **(Ўза)**

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

БМТ ХОМИЙЛИГИДА

Кеча Олмониянинг Бонн шаҳрида БМТ хомийлигида Афғонистоннинг келажакдаги дахлдор масала — ўтиш даври ҳукуматини тузишга бағишланган анжуман бошланди. Унда Афғонистоннинг асосий этник ҳамда сиёсий гуруҳлари раҳбарлари иштирок этмоқдалар. Жаҳон афкор оммаси нигоҳи бугун мазкур шаҳарга қадалганлигининг боиси бор. Чунки Афғонистонда беш йилдан буюн ҳукмронлик қилган толиблар, шунингдек, бу ерда ин қуриб олган баъзи бир халқаро террорчилик ташкилотлари қаттиқ зарбага учраганидан сўнг Афғонистоннинг келажакдаги ҳақида фикр юритиш мумкин бўлди.

СИЧҚОННИНГ ИНИ МИНГ ТАНГА

«Ишонч»нинг ўтган сонларида хабар қилганимиздек, терроризмга қарши халқаро кучларнинг асосий зарбалари аини кунларда Қандаҳор шаҳрига қаратилмоқда. Биргина АКШнинг пидеа қисмларида ҳаракат қилаётган аскарларнинг сони 1,5 мингга етди. Уларнинг асосий мақсади — қандай бўлмасин ушбу шаҳардаги толибончиларни тез орада мағлуб этишдир. Шу билан бирга — махсус вазифаларни адо этувчи ҳарбийлар биринчи рақамли террорчи Усама бин Лоденинг излаш билан машғул бўлмоқдалар. Тезкор маълумотларга қараганда, у тоғли минтақадаги сон-саноксиз қаризлар ва горларда жон сақламоқда. Сичқоннинг ини минг танга, деган ибора тўғри чиқмоқда. Усама бин Лоден ва унинг гушарлари Қандаҳордан 120-150 километр масофадаги мазкур маҳфий жойларда омонлик қидирмоқдалар.

УЧ КУНЛИК АНЖУМАН

Бонн шаҳрида иш бошланган анжуман билан баробар равишда Покистонда ҳам яна бир конференция очилди. Мазкур халқаро анжуман Афғонистон инфратузилмасини тиклаш муаммоларига қаратилмоқда. Унда келажакда амал қиладиган Афғонистоннинг ижтимоий ва иқтисодий қайта тикланиши мунозараларида аксил террорчи операцияларда иштирок этаётган мамлакатлар вакиллари қатнашмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатда рўй берган ҳарбий хатти-ҳаракатлар натижасида 22 йил ичида мамлакатга 10 миллиард доллар миқдорда зарар етказилган.

УЧ КУНЛИК АНЖУМАН

Бонн шаҳрида иш бошланган анжуман билан баробар равишда Покистонда ҳам яна бир конференция очилди. Мазкур халқаро анжуман Афғонистон инфратузилмасини тиклаш муаммоларига қаратилмоқда. Унда келажакда амал қиладиган Афғонистоннинг ижтимоий ва иқтисодий қайта тикланиши мунозараларида аксил террорчи операцияларда иштирок этаётган мамлакатлар вакиллари қатнашмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатда рўй берган ҳарбий хатти-ҳаракатлар натижасида 22 йил ичида мамлакатга 10 миллиард доллар миқдорда зарар етказилган.

УЧ КУНЛИК АНЖУМАН

Бонн шаҳрида иш бошланган анжуман билан баробар равишда Покистонда ҳам яна бир конференция очилди. Мазкур халқаро анжуман Афғонистон инфратузилмасини тиклаш муаммоларига қаратилмоқда. Унда келажакда амал қиладиган Афғонистоннинг ижтимоий ва иқтисодий қайта тикланиши мунозараларида аксил террорчи операцияларда иштирок этаётган мамлакатлар вакиллари қатнашмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мамлакатда рўй берган ҳарбий хатти-ҳаракатлар натижасида 22 йил ичида мамлакатга 10 миллиард доллар миқдорда зарар етказилган.

КАШМИРДАГИ КОТИЛЛИК

Номаълум шахслар бу ерда бир мактаб ўқитувчисини ўлдириб, унинг ўқувчиларини гаровга олиб кетдилар. Қатл этилган 59 яшар Гулзор Аҳмад Хиндистон хавфсизлик кучлари билан алоқа қилишда гумон этилган. Ҳозирча разил кимсаларнинг қанча талабани олиб кетганлиги номаълум бўлиб турибди. Бу воқеадан қаттиқ газабланган маҳаллий аҳоли мутаассиб диний оқим вакиллари жазолашга аҳд қилдилар.

САЙЛОВЛАР НАТИЖАСИ МАЪЛУМ

Маълумки, яқинда Югославиянинг мухтор ўлкаси — Косовода сайловлар бўлиб ўтди. Унда «Косовонинг демократик лигаси» партиясининг раҳнамоси Ибрагим Ругова галаба қилди. Унинг учун сайловчиларнинг 45,64 фоизи овоз берди. «Косовонинг демократик партияси» деб аталган ҳаракатнинг раҳбари, албан жангариларининг собиқ кўмондони Хошим Тачи анча орқада қолиб кетди. У бор-йўғи 25,70 фоиз овоз олишга муваффақ бўлди. Эндиликда Ибрагим Ругова ва унинг тарафдорлари бошқарув тизимларини тузишга киришишлари мумкин.

ХУКУМАТ ҚАРОРИ БИЛАН

Янги Зеландияда террорчиликка қарши кураш тобора кучайтирилмоқда. Ҳукумат қарори билан жиноий гуруҳларнинг молиявий операциялари тақиқланди, уларнинг банклардаги ҳисоб рақамлари ҳам ёпиб қўйилди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Филл Гоффнинг айтишича, тез орада террорчиликка қарши кураш тўғрисида махсус қонун қабул қилинади.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари асосида

Р.УМАРОВ тайёрлади.

Тафтишда сир очилди, ходимларга ортиқча иш ҳақи тўлаб юборилгани маълум бўлди. Давлат бюджетига кўп миқдорда зарар етказилганлиги сабабли хужжатлар прокуратурага ўтказилди. Сўнг айбдорларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Умуман, ҳаммаси тўғри. Лекин тергов жараёнида ҳаттоларга, юзакчиликка ва бир ёқламаликка йўл қўйилгани боис, суд ишчи қўшимча терговга қайтарди. Суднинг ажрими юзасидан прокурор томонидан киритилган ҳусусий протестини Самарқанд вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати қаноатлантирмади. Бунинг учун арзигулик асослар бор эди. Суд ва тергов маҳкамалари ваколатини зимманга олган ҳолда мавжуд далилларни таҳлил этиб, мулоҳаза билдирмоқчимиз.

ҚАЛЛОБНИНГ ҚИЛМИШИ

масъулиятни унутганларнинг кўзини очди

Эски йилнинг якуни, янги йилнинг аввалида идора юмушлари шунчалар кўп бўладики, анча-мунча эътиборсизлик аввало шундан келиб чиқади. Ана шу вазият унга қўл келди. У 1999 йилнинг январ ойида бошлаб ўзи раҳбарлик қилаётган мактаб ўқитувчиларининг тоифаларини ошириб кўрсатиб, табелга уларнинг иш ҳақларини кўпроқ миқдорда ёзди. 28-мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши миқдори кўпайганидан шубҳаланиб, туман халқ таълими бўлими ҳисобчиси З.Мамаева мактаб директоридан бу ҳолини асослаб беришни сўради. Директор эса ҳисобчига ўзиндан олдинги мактаб раҳбарининг 4-рақамли буйруғини тақдим этди.

Мазкур буйруқда мактабнинг 26 нафар ўқитувчиси аттестациядан ўтганлиги, уларга турли малака тоифалари берилганлиги қайд этилган эди. Ҳисобчи эса буйруқни синчиюклар текширмади. Агар у лоқайдлик қилмаганида қинғир иш ўша заҳотиёқ очиларди. Чунки табиий равишда пайдо бўладиган саволлар жавобсиз қолиши мумкин эмасди. Нега директор уч йил олдинги буйруқни кўтариб юрибди? Нима учун 1996

Алҳазар

дан ўтган 10 нафар ўқитувчиға тегишлилик малака тоифаси берилган. (26 нафар эмас). Янги директор аини ана шу буйруқни қалбакилаштириб, рўйхатдагилар сонини 26 тага етказган. Туман ХТБ ҳисобчиларига уни бергач, директор ўзининг қинғир ишчи «асос»лашини ўйлади. 1996 йил 5 сентябрдаги буйруқ билан малака тоифаси белгиланса-ю, шу буйруқга асосан 1999 йил январ ойидан бошлаб оши-

лака тоифасини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза тушганлиги, аттестация баҳона тоифаларни қайта белгилаш зарурлиги ҳақида сўз борган. Аммо шу матн давомида «Юқориди номлари кўрсатилган кенгаш аъзоларининг тақлифи билан аттестация комиссияси тузилибди, аттестация ўтказилди» деган жумла бор. Тезкорликни қаранг: кенгаш мажлиси мобайнида аттестация ўтказиш ҳақида тақлиф киритилди, махсус комиссия тузилибди, бир гуруҳ ўқитувчилар аттестациядан ўтказилибди. Қойил!

Шундан сўнг директор 1999 йил 5 январ санаси билан мактаб аттестация комиссиясининг 2-рақамли қарорини ёзиб қўйди. Аслида «Таълим тўғрисида»-ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» қабул қилиниши муносабати билан халқ таълими вазирлигининг бир қатор буйруқлари, жумладан, «Давлат таълим муассасаларида педагогик ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида»-ги (1993 йил 6 сентябр, №276) буйруғи ҳам ўз кунини йўқотганлигини Оқдарё туманидаги 28-ўрта мактаб директори билмаслиги мумкин эмас эди. Бу ҳақда туман ХТБнинг 1997 йил 16 декабрдаги 45-буйруғи чиқарилган. Мазкур хужжатларга кўра ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш вақтинча тўхтатилган.

Иккинчидан, «аттестациядан ўтказиш» ва «аттестация яқунларига доир» деган ибораларнинг осмон билан ерча фарқи бор. Учунчидан, кенгаш баённомасига ишонилдиган бўлса, мажлисда ўқитувчилардан уларнинг ма-

дан ўтган 10 нафар ўқитувчиға тегишлилик малака тоифаси берилган. (26 нафар эмас). Янги директор аини ана шу буйруқни қалбакилаштириб, рўйхатдагилар сонини 26 тага етказган. Туман ХТБ ҳисобчиларига уни бергач, директор ўзининг қинғир ишчи «асос»лашини ўйлади. 1996 йил 5 сентябрдаги буйруқ билан малака тоифаси белгиланса-ю, шу буйруқга асосан 1999 йил январ ойидан бошлаб оши-

лака тоифасини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза тушганлиги, аттестация баҳона тоифаларни қайта белгилаш зарурлиги ҳақида сўз борган. Аммо шу матн давомида «Юқориди номлари кўрсатилган кенгаш аъзоларининг тақлифи билан аттестация комиссияси тузилибди, аттестация ўтказилди» деган жумла бор. Тезкорликни қаранг: кенгаш мажлиси мобайнида аттестация ўтказиш ҳақида тақлиф киритилди, махсус комиссия тузилибди, бир гуруҳ ўқитувчилар аттестациядан ўтказилибди. Қойил!

Шундан сўнг директор 1999 йил 5 январ санаси билан мактаб аттестация комиссиясининг 2-рақамли қарорини ёзиб қўйди. Аслида «Таълим тўғрисида»-ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» қабул қилиниши муносабати билан халқ таълими вазирлигининг бир қатор буйруқлари, жумладан, «Давлат таълим муассасаларида педагогик ходимларни аттестациядан ўтказиш тўғрисида»-ги (1993 йил 6 сентябр, №276) буйруғи ҳам ўз кунини йўқотганлигини Оқдарё туманидаги 28-ўрта мактаб директори билмаслиги мумкин эмас эди. Бу ҳақда туман ХТБнинг 1997 йил 16 декабрдаги 45-буйруғи чиқарилган. Мазкур хужжатларга кўра ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш вақтинча тўхтатилган.

(Давоми 2-бетда)

Аёл саломат бўлса

Авиация ходимлари касабани уюшма тармоқларида

беш юз нафар хотин-қиз сиҳатгоҳларда даволаниб, дам олдилар

Абдурахмон — Клара Абдурасулова хонадонининг туртинчи фарзанди. У эндигина беш ойлик. Оиладагилар уни жондан ортиқ кўришади, севиб эркалатишади. Асосийси, ойижониси доимо ёнида. У бир куни улгайганда туғилган куни муносабати билан совгага келтирилган болалар аравачаси ҳақида унга сўзлаб беришади.

Худди шунақа совгани «Оналар ва болалар йили»да туғилган яна 159 оила олди. Бундай саховат Республика Авиация ходимлари касабани уюшма Марказий кўмитаси томонидан кўрсатилди.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан ўз дастурида ишлаб чиқдик. Унга мувофиқ тармоғимизда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳолатини кучайтирдик, дейди биз билан суҳбатда Марказий кўмита раиси Сатторали Қамбаров. — «Соғлом авлод йили» Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда меъёрий ҳужжатларда, қонунларда кўзда тутилмаган қатор кўшимча тўловлар, имтиёзлар ҳамда кафолатлар белгиладик.

Меҳнат жамоамиз имкониятидан келиб чиқиб аввало кўп болалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бермоқда.

Авиация ходимларининг 7 минг нафардан зи-

ёдини аёллар ташкил этади. Ҳамкорлик фонди орқали уларнинг турмуш шaroитларини янада яхшилаш, 18 ёшгача бўлган ўсмирларни иқтисодий ҳимоялаш, соғломлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўрта ва олий ўқув юртиларида шартнома асосида таълим олаётган ёшларга моддий кўмак берилаяпти. Худди шу мақсадларга ҳозиргача 2 миллион сўмдан зиёд пул сарфланди.

Тармоқнинг «Тошкент», «Нукус», «Бухоро», «Термиз», «Самарқанд», «Ургач» аэропортлари, Авиаремонт заводи каби бўлимида ҳам оналар ва болаларга эътибор юқори.

Зарарли цехларда ишлайётган аёллар кўшимча иш ҳақи билан таъминланмоқда. Уларнинг меҳнат шaroити талаб даражасида бўлиши доимо назорат остида. Махсус кийим-бош берилган. Меҳнат муҳофазасини яхшилаш учун жамоада кўрик-танлов ташкил қилинган.


Ҳозир 147 нафар ишловчи аёл турли сурункали касалликлар бўйича

рўйхатда туради. Тиббиёт ходимлари уларнинг саломатлигидан доимо хабардор. Ходимларимизнинг фақат тишларини даволатиш учун 1 миллион, 500 нафарга яқин хотин-қиз санаторий-профилакторийларда соғлиқларини тиклаш мақсадларига эса 6 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Кўпбала бўлимларда ёш болалар аёллар иш соати бир соатга қисқартирилган. 16 ёшгача бўлган фарзандлари бор аёллар учун 3 сентябр — кўшимча дам олиш куни қилиб белгиланган.

Авиация ходимларининг фарзандлари республика миқёсида ўтказилаётган турли хил кўрик-танловларда қатнашиб келмоқда. Бу йил эса улар янада кўпайди. Спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаёпти. Болаларнинг маданий дам олишлари учун 3 миллион сўм харажат қилинди.

Одатда оила ва иш жойида соғлом муҳит барқарор бўлса меҳнат унумдорлиги юқори бўлаверади. Худди ана шу омиллар мавжуд бўлган бу тармоқ ҳам истиқбол билан баб-баравар одим ташламоқда.

Абдурасул МУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.



«Охангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулот тайёрлаш ҳажмини бир ярим бараварга оширди. Жорий йилнинг ўтган ўйи мобайнида истеъмолчиларга 790

миң тонна цемент жўнатилди. Германиядан келтирилган қадоклаш ва қоплаш линиясидан унумли фойдаланиш натижасида ўтган ўйи мобайнида бир миллион АҚШ доллари

миқдориди маҳсулот экспорт қилинди. Суратларда: бошқарув пулти; ишчи Урибой Тўлабоев. Д.ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Уша куни хизмат юзасидан Ромитан туманида қайтаётган эдик. Далмун чорраҳасидаги бекатлардан бирида ўйчан ўтирган аёлга кўзимиз тушди. Унга тасалли бериб, оз бўлсада руҳиятини кўтаришга ҳаракат қилдик.

Сўраб-суриштирсак, у 13 йилдан бери боқувчисини йўқотган 4 нафар норасида гўдакни тарбиялаётган экан. Далмун кишлоқ фуқаролар йиғинидан асабийлашиб қайтаётган онахонанинг ҳақли эътирози бизни бефарқ қолдирмади. Шу куни Рўзигул Садинова уч маротаба моддий ёрдам сўраб берган аризаси инobatга олинмаганини билгач, ўйга толиб изига қайтаётган экан. Кишлоқ фуқаролар йиғини Жондор туманига қарашли. Унинг худудидидаги 6 та кишлоқда 5602 нафар аҳоли яшайди.

Биз шу куни Р.Садиновани мурожаати боис бу ерда бўлдик. Маълум бўлишича,

ҲАҚЛИ ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Йилнинг ҳар чорагида моддий ёрдам учун кишлоқ фуқаролар йиғинига 46 миң 200 сўм маблағ ажратилар экан. Бу 5-6 та оила эҳтиёжини қондиришга етадиган деган гап.

Раисдан маблағ ажратиларининг камлиги сабаблари хусусида сўраганимизда: — Ҳозирча белгиланган миқдор шу. Лимит ажратмалари аҳоли талабини (кам таъминланган, кўп болали оила вакиллари, ногирон, яқка-ёлғизлар, бо-

«Ишонч» аралашуви билан

кувчисини йўқотганлар назарда тутиляпти. Бундайлар сони юздан зиёд) қондирмаёттир.

зан нафақа тўловлари 3-4 ойга кечикаётти. Нафақа ва моддий ёрдам сўраб мурожаат этувчи фуқароларнинг ҳужжатларини 11 кишидан иборат комиссия аъзолари кўриб чиқиши керак. Аслида эса аризалар 2-3 кишининг кўрсатмаси билан «ҳал» қилинаётган экан. Йўқса, боқувчисини йўқотган аёл руҳан чўкиб, кўзда ёши билан умидсизликка тушмаган бўларди.

Мутасадди идоралар, раҳбарлар билан фикрлашилгач, чигал масала ижобий ҳал этилди.

...Рўзигул опа шу куни шом чўкканда изига қайтар экан, унинг илтимоси қондирилганидан ўзида йўқ шод эди.

Усмон НАВРҮЗ, «Ишонч» мухбири.

АНЪАНАВИЙ ЯРМАРКА

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясида анъанавий бешикчи «Агромаҳсулот» халқаро савдо ярмаркаси очилди. Унда мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ҳўл меваларни қайта ишловчи барча қорхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Ярмаркани ташкил этишдан мақсад, дейди компаниянинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бошқармаси бошлиги Адиба Аҳмаджонова, — кишлоқ хўжалиги қорхоналари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар етиштирилган полиз, узум, мева ва савзабот маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини янада тақомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, тайёр маҳсулот турини кўпайтириш ва қадоклаш сифатини яхшилаш, пировардида мамлакатимизнинг бу борадаги экспорт салоҳиятини янада оширишдан иборатдир.

Ярмарка давомида турли битим ва келишув ҳужжатлари имзоланди. Мижозларнинг талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича истиқболдаги вазибалар белгилаб олинди.

Ярмаркада ўлкаимизнинг бетақор табиий иқлим шaroитида пишиб етилган ёз неъматларидан олинган хилма-хил шарбатлар, шароблар, қуруқ мевалар, ширинликлар ҳамда яхна ва спиртли ичимликлар савдоси ҳам ташкил этилган.

(ЎЗА)

ҚАЛЛОБНИНГ ҚИЛМИШИ

масъулиятни унутганларнинг кўзини очди

(Боши 1-бетда).

Қинғир ишининг қийғи барибир чиқишини директор ҳисобга олмаган. Аттестациядан ўтувчи ўқитувчиларнинг «Шаҳодат варақаси»ни тўлдирди жуда кўп хатолар, камчиликлар, ноаниқликларга йўл қўйган. Шаҳодат варақаларининг ақсариятида ўқитувчи ва унинг фаолиятига доир маълумотлар, аттестация комиссиясининг ҳулосаси, комиссия аъзоларининг имзолари ва бошқалар йўқ. Синовдан ўтувчилар «Шаҳодат варақаси»даги қайдлар билан таништирилмаган. Масалан, рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси А.Аметованинг «Шаҳодат варақаси»да унга I-тоифа берилгани, олдинги II малака тоифасини 1991 йил 1 августда олганлиги ёзилган. Холбуки, А.Аметова Тамбов давлат пединститутини 1994 йилда битирган. Хўш, буни ким ва қай тарзда изоҳлайди. Хуллас, аттестацияни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби, қондаси жуда кўп оғир равишда бузилган.

Шунга қарамастан, тергов жараёнида прокуратура ходимлари ҳамма айбни туман ХТБдаги масъул шахслар зиммасига юклаган ва ишни судга оширган. Жиноий ишлар бўйича Оқдарё туман суди ишни қўшимча терговга қайтарди. Бу ниҳоятда асосли эди. Биринчидан, ҳамма қинғирликни қилган мактаб директори жавобгарликка тортилмаган. Ваҳоланки, таълим тизимида аттестация учун, тарификация учун, иш ҳақлари табели учун мактаб директори шахсан жавоб беради. Энг асосий жавобгар ҳам унинг ўзи бўлиши керак. Иккинчидан, 36 та боғча, 51 та мактаб, 3000 нафар ўқитувчи борлигини инobatга олиш зарур. Шу боис молиявий ишларни назорат қилишни осонлаштириш учун мактаблар ХТБ ҳисобчиларига «тақсимлаб» берилган. Шундай вазиятда туман ХТБ мудири, бош ҳисобчи, уларнинг лавозим масъулиятини инкор этмаган ҳолда айтмоқчимизки, барча ҳужжатларни синчилаб текшириб чиқиш баъзида жуда мушкул бўлиб қолади. Тергов маҳкамасининг айблов ҳулосасида «туман ХТБ мудири Ш.Неъматов таъриф комиссияси раиси муовини А.Абдувоҳидов, бош ҳисобчи Б.Қобилов, ҳисобчи З.Мамаева билан олдиндан жиноий келишган ҳолда» деган гап бор. Билмадик, аммо... 28-мактаб директорининг қилмиши туфайли 1999 йилнинг январидан 2000 йил апрелигача ўқитувчиларга 507587 сўм ортиқча иш ҳақи тўланган бўлса-да, бошқа мактабларда бундай молиявий қонунбузарликка йўл қўйилмаган. Лекин, назорат бўшаптириб юборилган. Бу бизнинг холис фикримиздир.

Иккинчи қаҳриққ ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида Президентимиз жиноий жазоларни либераллаштириш хусусида тақлифлар билдирди. Шу асосда айниқса, аёлларга ва кексаларга, эҳтиётсизлик, эътиборсизлик оқибатида жиноят содир этганларга, жиноятга ўзи билмай шерик бўлиб қолганларга енгилликлар назарда тутилган. Умуман, жазоларни қўллашда жиноятни қасддан содир этган кимса билан унинг тузоғига тасодифан тушиб қолган шахсни фарқлай олишимиз жуда катта аҳамиятга эгадир.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари

ФЕРМЕР бойиб, кўпга нафи тегмоқда

Туманимиз меҳнатқашлари бу йил давлатга пахта, дон, пилла етказиб бериб, шартномавий режаларини ошириб бажардилар. Эришилган меҳнат муваффақиятларида касабани уюшмаларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Фермерлар — ислоҳот қалдирғочлари. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаяпти. Масалан, «Таллимарон» жамоа хўжалигида жойлашган Исохон Баҳромов бошлик фермер хўжалигида мавжуд 150 гектар майдоннинг ярмида дон, ярмида пахта етиштирилган. Икки йилдан бери жамоа аъзоларига бепул галла, ўсимлик мийи, кунжара ва шулжа тарқатилмоқда. Фермернинг моддий ёрдами билан кишлоқдаги мактаб учун қўшимча синф хонаси қуриляпти.

Туманда 194 фермер хўжалиги бўлиб, уларда 2530 нафар касабани уюшма аъзоси меҳнат қилмоқда. Фермерлар хайрия ишларини амалга оширишда ташкилотчи ва ташаббускор. Вилоят касабани уюшмалари кенгашининг аъзоси Сарвар Маманова «Али бобо» чорвачилик фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Бу кичик жамоа Қо-

расув кишлоғидаги ўрта мактабни ўз ҳомиёлигига олган. Олий ҳиммат фермер илм маскани учун 250 миң сўмлик дасрликлар олиб берилди, кишлоқдаги «Юлдузча» болалар боғчасини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда. Туман тармоқ кўмитаси ҳисобида 27 та бошланғич, 37 та ҳес ташкилотлари, 129 та касабани уюшма гуруҳлари бор. Бошланғич ташкилотларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги фаолияти кучайиб бормоқда. «Қорасув» ширкат хўжалиги касабани уюшма кўмитаси раиси Йўлдош Сулаймонқуловнинг елиб-югуриши туфайли мавсумда 21 та дала шийони таъмирланиб, ижарачилар учун қулай шaroит яратилди. Далада ишлаётганларга сут, қатик маҳсулотлари бериб борилди. Хўжаликдаги 14 нафар ногирон касабани уюшма кўмитаси оталиғида.

Аҳмад Мирзақулов раислик қилган «Мустақилликнинг 10 йилли-

ги» ширкат хўжалиги ҳар бир оилага ярим тоннадан галла берди. Шароф Рашидов номи ширкат хўжалиги (касабақум раиси У.Саодатов) режасини ошириб бажарган пудратчиларга 3-4 тоннадан галла тарақтайди. Туман машина трактор саройида ишлаётган 123 нафар ишчи, инженер техник ходимнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги касабакўм назоратида.

Кўмита ёрдами билан туманда яшаётган 1200 дан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 545 миң сўмлик дарсликлар олиб берилди. 320 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 83 та оилага 120 тонна бугдой тарқатилди. 18 нафар болаликдан ногиронга 56 миң сўм моддий ёрдам, 84 кишига сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланма берилди. Янги оила қурган 263 йиғит-қизга томорқа ажратилди.

Касабани уюшмаларининг фаоллиги туфайли муаммолар жойида ҳал

этилаяпти. Шунинг учун ҳам ўтган йили кўмитага 39 киши мурожаат қилган бўлса, 2001 йилда 4 та аризалар тушди. Касабани уюшма аралашуви билан ноқонуний бўшатишган «Навшаҳар» жамоа хўжалиги механизатори Р.Бегматов ўз ишига тикланди.

«Пахтаसानотсотиш» ҳиссадорлик жамиятидан Д.Чоршанбева «Таллимарон» ширкат хўжалигидан Н.Рўзиёва ва Р.Худойбердиевларнинг иш ҳақлари ундириб берилди.

Касабани уюшмалари 95 миңдан ортиқ аҳоли яшаётган иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти ривож топиб бораётган туманда ҳокимлик билан ҳамкорликда меҳнатқашлар фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли тадбирларни амалга оширяпти.

Абдулла ХОЛБҮТАЕВ, Ангор тумани агросаноат мажмуи ходимлари касабани уюшма кўмитаси раиси.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юртимизда илк бор бунёд этилган ва халқимизнинг эрки-иродасини ифодалаган энг муҳим Асосий Қонундир. У илгариги шу хил қонун ҳужжатларидан ўз моҳияти ва мазмуни билан тубдан фарқ қилади. Тарихга назар ташланган мустақиллик ҳолида бўлган даврларда ўлкамиз чор ҳокимиятининг губернатори 1865, 1867 ва 1886 йилларда чиқарган низомилари билан идора қилинган. Совет даврида 1927, 1937 ва 1978 йилда республикамизда қабул қилинган конституциялар марказдан юборилган бўлиб, бизнинг ҳаёт тарзимиз, тарихий анъаналаримизга мос бўлмаган. Улар ҳеч қачон халқимизнинг ифодасини ва истакларини инobatга олган эмас.

Конституцияни қабул қилиш зарурияти бир қанча омиллар билан боғлиқ эди:

Биринчидан, ижтимоий ривожланиш бобидидаги вазибаларни мустақил ҳал қилишга интилиш, мамлакатнинг келажаги тўғрисида масъулиятни сезиш;

Иккинчидан, юртимизни иқтисодий қарамликдан озод қилиш, уни тобе, ўзини-ўзи эплолмайдиған қардор эмас, ресурслари бой, гуллаган ўлкага айлантириш имкониятларидан фойдаланиш зарурияти;

Учинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкка йўл очиб бериш учун давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро масъулиятини кучайтириш вазибалари;

Тўртинчидан, давлат тизимида ҳокимиятнинг уч тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ўзаро муносиби фаолиятга эришиш учун ҳуқуқий замин яратиш, қонун устуворли-

ги, адолатга эришиш, ҳуқуқни ҳимоя қилишни таъминлаш истаклари;

Бешинчидан, маъмурий буйруқбозлик тизими, яқка-ҳукмдорлик тартибидан ҳалос бўлиш, барча ижтимоий ишларни биргаликда муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ўзаро фикр алмашиш, ҳамкорлик, муросаю мадора эhtiежи.

Айни вақтда бу эhtiежларни амалга ошириш имкониятлари жуда чекланган эди. Кўпларда ташаббускорлик сўнган, юқоридан бериладиган буйруқни қушни ҳиссиёти ўрнашиб қолганди. Бунёдкорликда манфаатдорлик сезилмас, эркин фикрлашдан ҳайқиш, маънавий бисотдан фойдаланишдан чўшиш, сўзда бир дилда эса бошқа ҳолатга кўникиш каби тўғону тўғаноклардан ҳалос бўлишимиз зарур эди.

Мамлакатимиз мустақилликка қадам қўйган кезларда иқтисодий аҳвол ҳам

аянчли эди: бир томонлама иқтисод, табиий бойликларни аёвсиз исроф қилиш, кимёлашга ружу қўйиш, Орол фожеаси, эски технология...

Шу боис Президентимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда, «Мустақил Ўзбекистон туғилган куниёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур эди».

Давлатимиз раҳбари уқтирганидек «Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юрт обрў-эhtiебори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради». Ана шу боис мўстақил Қомусномада мамлакатимизнинг тавсифи берилди, давлат ва жамият қурилишининг туб моҳияти, мақсади ва тарақиёти

йўналиши белгиланди, ҳокимият, унинг тизими, фаолият принциплари, давлат органларининг асосий ваколатлари ифодаланди. У жаҳон андозаларининг энг юқори талабларига тўла жавоб берди.

Конституциямиз демократия ғояларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги жиҳатидан энг муқамал конституциялар қаторидан ўрин олди. Унда халқчиллик, инсонпарварлик,

қаддимасидаги дастлабки сўзлар инсон ҳуқуқларига ва айни вақтда давлат суверенитети ғояларига содиқликдан бошланади. Бунинг боиси шундаки, ҳар бир инсон ва ҳар бир давлат даставвал мустақил бўлмоғи ва ўз тақдирини ўзи белгиламоғи лозим. Инсон ҳам, давлат ҳам фаровонликка, тинчлик, ҳам-жиҳатлик ва ўзаро ҳамкорликка, миллий тотувликка интилади. Конституциямиз-

назарда тутилган бурч ва мажбуриятларни кенгайтиришга йўл қўйилмади. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондаларига зид бўлиши мумкин эмас. Конституциянинг матни жуда лунда тузилган. Унинг ҳар бир моддасида олам-олам чуқур маънолар акс эттирилган. Масалан, 17-моддада Ўзбекистон халқаро муносабатлар субъекти экани мустақ-

ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

тенглик, одиллик тамойилларига алоҳида эътибор берилган. БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, 1966 йил 19 декабрда тузилган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва бошқа умумэтироф этилган ўттиздан зиёд энг муҳим қондалар ҳам унда ўз ифодасини топган. Бу жиҳатдан Асосий Қонунимиз бир қанча халқаро ташкилотлар, ажнабий давлатлар ва атоқли ҳуқуқшунос, сиёсатшунослар томонидан юксак баҳоланди.

Конституциямизнинг туб моҳияти давлатнинг ҳар бир одам ҳақида гамхўрлиги, унинг ҳаёти фаровон бўлиши, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари чинакам олий қадрият эканлигини таъминлашдан иборат. Конституция ана шу ижтимоий вазибаларни амалга оширишда дастур сифатида ҳам хизмат қилади. Унда энг муҳим ижтимоий тартиб-қондалар, ҳуқуқ ва ваколатлар билан бир қаторда асосий талаблар, бурч ва мажбуриятлар ҳам белгиланган. Конституцияда баён қилинган ҳуқуқ ва ваколатлар ҳеч чекланиши мумкин эмас. Аксинча, унда

камланиб, унинг ташқи сиёсат юртишга оид қуйидаги принциплари ўз аксини топган:

- 1) давлатларнинг суверен тенглиги;
- 2) қуч ишлатмаслик ёки қуч билан таҳдид қилмаслик;
- 3) чегараларнинг даҳлсизлиги;
- 4) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 5) бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 6) халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қондалари ва нормаларига асосланиш;
- 7) давлатнинг, халқнинг

Саволларингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: 1) 15 фоизли махсус моддий рағбатлантирув фондидан мукофот пули январ, феврал ойлари тўланмай март, апрел, май ойларида тўланди. Эндигисини декабр ойида қўшиб, бераман деб туман молия бўлими бошлиғи баҳона топмоқда.

2) 16 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлашда «лимит туғган» — деган баҳона билан бу пул берилмапти, шу тўғрими?

О.Оллоярров, Р.Шарифзода, Мирзачўл туманидаги 8-мактаб ўқитувчилари.

ЖАВОБ: 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги «Республика бюджет муассаса ва ташкилотларида пенсия, нафақа, стипендия ва

иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ва Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 8 сентябрда №98 сонли буйруқ билан тасдиқланган бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди Низомига биноан, 1996 йил 1 январдан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги муассаса ва ташкилотларида ходимларни 15 фоизли моддий рағбатлантирувчи махсус фонд ташкил этилган.

15 фоизли моддий рағбатлантириш махсус фонди маблағи ходимларнинг иш ҳақиға қўшимча ҳақ белгилашда ва уларни мукофотлашга сарф қилинади. Моддий рағбатлантирув махсус фонди маблағи ҳар бир ходимга таълим-тарбия беришда ва ишнинг бажарилиши натижаларига қараб тақсимланади.

Меҳнат интизомини бузган, ишда қўпол хатоларга йўл қўйган ва бошқа хатоликлар учун бу маблағ

қисман ёки тўлиқ берилмаслиги мумкин.

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги №437-қарорига биноан оилани ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида жойларда оиланинг турар жойига қараб қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролари йиғини қарорига асосан 16 ёшгача бўлган фарзандлари бор оилаларга нафақа тўланади. Бир фарзанди бўлган оилга энг минимал иш ҳақининг 50 фоизи, 2 та фарзанди бўлган оилга 100 фоиз миқдориди, 3 та фарзанди бўлган оилга 140 фоиз ҳамда 4 ва ундан кўпроқ бўлган фарзандларига 175 фоиз энг минимал иш ҳақи миқдориди тўланади. Бу маблағ республика маблағидан, маҳаллий бюджетдан, бюджетдан ташқари манбалардан берилиши мумкин.



Республикада 15 ноябрдан 15 декабргача энгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Миробод туманидаги 3-сон хар-

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

И.ХАСАНОВ олган суратлар.

Саволингизга Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгазининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг меҳнат-техник назоратчиси Рамзиддин Нуритдинов жавоб беради

САВОЛ: ишлаб чиқаришда шикастланган бўлсам-да, менга пул тўланмапти, шу тўғрими?

Бахтиёр РУСТАМОВ, Нурота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги, Қирхувот қишлоғи.

ЖАВОБ: Фуқароларнинг соғлиғи ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг 1993 йил 6 май 840-ХII сонли қарори билан тасдиқланган қонуннинг 28-моддасида ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддага асосан маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиғи натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта берилдиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган зарар учун товон тўлайди.

Бир марта берилдиган нафақа миқдори ҳамда шартномаси билан белгиланади ва у жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги керак.

Агар ходим даволашни, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож бўлса, корхона бу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни

ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА. Logo with scales of justice and text: ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА. ХОНА НАР КЕЛТИРИШ. OWN SAFT.

тўлаши керак.

Ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун тўланадиган зарарнинг миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган ходимларга уларнинг меҳнат вазифарларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидаларига асосан амалга оширилади.

Маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган ходимга товон пули тўлаш учун ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса қилиниши ва уни тасдиқловчи Н-1 шаклидаги далолатнома бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғриси-

да»ги Низомнинг I-4-бандига асосан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти йўқотилса, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади. Иш берувчи текшириш туғанидан сўнг уч кун ичида жабрланувчига ёки унинг манфатларини ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномани бериши керак. Агар Н-1 шаклидаги далолатнома тузилмаган бўлса шу Низомнинг II-6-бандига асосан жабрланувчи ёки гувоҳлар иш вақти давомида иш берувчига хабар беришнинг ёки меҳнат қобилиятини дарҳол йўқотмаганлиги тўғрисидаги бахтсиз ҳодисалар жабрланувчининг ёки унинг манфатларини ҳимоя қилувчи шахснинг ариза-сиди билан бир ой мuddат ичида текширилади. Н-1 шаклидаги далолатнома тузиш масаласи бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги ариза ҳар томонлама, барча шарт-шароитлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар ҳисобга

олиниб, текширилганидан сўнг ҳал этилади. Сиз мактубингизда ёзганингиздек, ишлаб чиқаришдаги жароҳатни 1988 йилда олган экансиз. Шунинг учун сизга бир мартаба берилдиган нафақа тўланмайди, чунки «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун 1993 йил май ойида тасдиқланган ва кучга кирган.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли жароҳатланганнингиз бўйича товон пули олманг бўлсангиз, зарарни ундириш тўғрисида тезда Сайхунбод пахта тозалаш заводи маъмуриятига (Шўрўзак пахта қабул қилиш пункти шу заводга қарайди) ариза билан мурожаат қилишингиз лозим. Ариза берилган кун зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун деб ҳисобланади.

Меҳнат Кодексининг 197-моддасига асосан зарарни ундириш ҳақидаги аризани иш берувчи ўн кун ичида қўриб чиқиш, тегишли қарор қабул қилиши шарт.

Иш берувчининг ходимга зарарни тўлаш ҳақидаги буйруғининг нусхаси ёки рад этиш ҳақидаги далил-асосли ёзма жавоби у қабул қилинган кундан бошлаб уч кун мuddат ичида манфаатдор шахсга топширилади.

Иш берувчининг қарорига рози бўлмаган ёки белгиланган мuddатда жавоб олманг тақдирда, улар бу низони ҳал қилиш учун судга мурожаат қилишлари мумкин.

ЧИРЧИҚДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Чирчиқдаги «Ўзбек-кимё маш корхонаси» очик турдаги акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат республикада, балки унинг ташқарисиди ҳам маълум. Ушбу корхона 1941 йилда ташкил этилган бўлиб, ўша пайтда у мудофаа учун хизмат қиларди. Кейинчалик, тинчлик даврида у қайта иxtисослаштирилди. Ўзбекистон айнан 1940-1950 йилларда нефт ва газ қидирув ишларини олиб борган. «Ўзбек-кимё маш корхонаси»да эса уларни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар, иссиқлик станциялари ва иссиқ сув таъминоти қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, бу ерда экологик тозалаш учун машина ва ускуналар, насослар, тиббий асбоблар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада 50 нафар конструктор, ўнлаб юкори малакали пайвандчи, металл қуювчи, токар ва электриклар дизайн ҳамда янги технологиялар устида ишламоқда.

Шу кунларда корхона узининг 60 йиллигини нишонлапти. У ҳозир катта буюртмалар портфелига эга бўлиб, ушбу буюртмалар ўз вақтида ва сифатли бажарилади.

(ЎЗА).

Нурота туманидаги Шароф Рашидов номли ширкат хўжалигининг қурилиш участкасида қишқик сув омбори қурилиши бошланди. У ишга тушгач, қўлда 20 гектар майдонда янги экинзорлар барпо этилади. Бу қишлоқлар аҳолисининг 1640 нафари учун янги иш ўринлари яратилади, бозорлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бойийди, демакдир.

Чўлда ЧИРОҚ ЁҚҚАНЛАР

Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига ўринлар сонини кўпайтириб бормоқда. Биргина янги қўйчилик отарлари яратиш ҳисобига ҳар йили 12-16 киши иш билан таъминланаётир. Шу билан бирга ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам катта аҳамият берилаётир. Яқинда чўпон-чўлиқлар ва зарарли ишда ишловчилар 350 миң сўмлик бепул иссиқ кийимлар билан таъминландилар. Касаба уюшма кўмитасига моддий ёрдам сўраб тушган аризалар тўла қаноатлантирилди.

Мурувватдан ҳудуддаги мактаблар ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳам четда қолмаётир. Худуддаги мавжуд 8-қишлоқ шифокорлик шохбчаси хўжалик ҳисобидан бепул таъминланди. Шомурод қишлоғида халқаро «Экосан» жамғармаси ҳисобидан ажратилган ярим миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналарини жойлаштириш учун қисқа фурсат ичида замонавий шифо маскани қуриб берилди. Шунингдек, 8 мактаб учун қурилиш материаллари, қишқик мавсум учун эса иситиш печлари ажратилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 150 миң сўмлик бепул дарслиқлар олиб берилди. 22 нафар 16 ёшга етмаган ногирон болаларга эса хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг 44 миң сўмлик совғалари топширилди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири

ХАЁТИМИЗ ДАСТУРИЛАМАЛИ

Ички ишлар вазирлиги академиясида Бош Қонунимиз қабул қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан «Конституция - демократия комуиси» мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди. Унда академиянинг профессор-ўқитувчилари, магистр ва тингловчилари қатнашди.

Сўзга чиққанлар Конституцияда мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизнинг, тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-этиборимизнинг қонуний ва ҳуқуқий асослари белгилаб берилганлигини таъкидлади.

Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қаноатланган Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки гурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қиланган, миллати, тили, диндан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам ҳимоя эганига эътибор қаратилди. Шу боис уни билиш ва чуқур ўрганиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

(ЎЗА).

МАВЖУДА ОПАНИНГ МАВЖЛАРИ

«Маҳаммад» хусусий савдо-саноат ишлаб чиқариш фирмаси иқтисодий бақувват қорхоналардан бири. Фирма раҳбари Мавжуда Жўраева ўз фаолияти давомида асосий мақсадни ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратган. Бугунги кунда нафақат Балкичида, балки Андижон вилоятида ҳам бу тадбиркор, зукко билимли, саховатпеша аёлни танимаган киши бўлмас керак.

Фирма бир неча йил муқаддам ташкил толган эди. Мавжуда опа қорхонага раҳбарлик қилишга ўтгач, ишда аста-секин илҳожий силжишлар юз бера бошлади.

Ҳозирги кунда фирманиннг ўз гишт заводи бўлиб, унда 50 киши хизмат қилади. Қорхона бир кунда 20 миңта пишиқ ва шунча миқдорда хом-гишт ишлаб чиқаради. Ишчиларнинг ойлик маоши 25-30 миң сўмни ташкил этмоқда.

Улуғнор туманида қоллеж қурилишига 7 миллионга гишт сарфланди. Бу маҳсулотни «Маҳаммад» фирмаси тайёрлаб берди. Мавжуда опа шахарни ободонлаштиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Йўл четларидаги турли хил ободонлаштиришлар ва қурилишлар учун 100 миңта хом, 50 миңта пишиқ гишт 50 фоиз арзонлаштирилган нархларда буюртмачиларга етказиб берилди. Фирма ўз ҳисобидан 1,2 миллион сўмга 3 километр йўлни асфалтлади.

Туманиннг 16 та болалар бoғчаси қорхонанинг қандалат қехида тайёрланган ширин қулча ва булкалар билан таъминланмоқда. Фирма узининг техника воситаларига ҳам эга. Масалан, 5 та трицикл трактор, 1 та КРАЗ, 2 та юк автомашинаси ҳам доим ишга шай.

Бичиш-тиқишга қизиққан хотин-қизлар қорхона тасарруфида очилган курсларда таҳсил олмоқда.

Фирма раҳбари иш бошлаган кундан бутун эътиборини ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратди. Айни кунда бу ерда меҳнат қилаётган ишчилардан 70 нафарига бепул тушлик-овқат берилмоқда. Барча ишчилар бугдой, гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари билан имтиёзли равишда мунтазам таъминлаб турилади. Ўз саломатликларини тиклашга аҳд қилган жамоа аъзоларига эса аргосаноат ходимлари касаба уюшмалари мажмуидан санаторий-профилакторийларга йўланмалар олиб бе-

риляпти. Кам таъминланган бир неча оила фирма қарамогиди. Туманда истиқомат қилаётган 2 нафар йигитнинг бахт тўйлари қорхона ҳисобидан ўтказилди. Бу тадбирга шахсан Мавжуда опаниннг ўзи бош-қош бўлди.

Тадбиркор опа билан суҳбатимиз чоғида, ҳали унинг қиладиган ишлари, амалга ошириши керак бўлган режалари кўп эканлигини билдик. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунончи, айрим қурилиш идоралари ўзлари олган маҳсулотларнинг пулини тўла олишмапти. Бу эса ишнинг жадаллашишига тўсқинлик қилаётир. Қорхонанин режалари катта. Тез кунда туманга кўрк берувчи 40 ўринли хашаматли меҳмонхона ишга туширилади. Яқинда 5 та савдо дўконини кенгайтириши, гишт заводи қўла-рини ошириш эвазига 50 та янги иш ўринлари очилади.

Халқимизда «Иш билганга миң танга» деган нақл бор. Эл-юрт, халқ манфаатини ҳар нарсадан юқори қўйган Мавжуда опа Жўраева ана шундай тадбиркор, саховатпеша инсон. Кўпга бош бўлиб, уларнинг дуо-сини олаётган раҳбарнинг юзларида доимо мамнуликни кўрасиз.

Саид МИРЗА, Расул МИРОД.

Конституциямиз яшамоқда, амал қилмоқда

олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш;

8) шу мақсадда иттифоқлар тузиш, ҳамдустликларга ва бошқа давлатларга тузилмаларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш эркинлиги.

Конституциявий моддаларнинг деярли ҳар участкасини бири унда баён

рилмоқда. Боиси, бобокалонимиз Амир Темур «Хуқуқсиз одам — яланғоч, хуқуқсиз давлат — томи йўқ иморатдир», деб уқтирганлар.

Қонунлар қабул қилинсаю, амалга оширилмас, барча интилишларимиз бесамар қолаверади. Қонунлардан фойдаланиш учун уларни даставвал би-

маърифат тарғиботи Маркази тузилди. Ўша йил августда Олий Мажлис сессиясида мазукур вазифаниннг янада муҳимлигини инобатга олиб «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинди. Уни бажариш ҳаммининг диққат марказида. Фақат 2001 йилда дастурнинг республикада бажарилиши ҳақидаги масала Олий Мажлис кўмиталари томонидан икки марта текширилиб, муҳокама қилинди.

Барча қонунларимиз матбуотда эълон қилингандан ташқари, тўпلام тарзида чоп этилмоқда. Уларнинг деярли барчасига илмий-амалий шарҳ бериш одат тусига кириб қолди. Хуқуқий маърифат оммабop рисолалар воситасида ҳам тарғиб қилинаётир. Чунончи, Президент Ислам Каримовнинг шу йил июл ойида тадбиркорликни рағбатлантириш ҳақида билдирган талобларига биноан «Тадбиркор хуқуқий кутубхонаси» рукни ташкил этилиб, 15 нафар оммабop рисолалар чоп этилди.

Хуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ишчи барча туман ва шаҳарларда, турли тоифа аҳолининг та-

лаб ва истақларига мос ҳолда маърузалар, давра сўхбатлари ва учрашувлар тарзида муттасил олиб боришни йўлга қўйган. Хуқуқшунос илм-фан ва амалиёт ходимлари қонун шарҳларини ҳаётдан олинган мисоллар билан бойитиб, ҳар бир қонун ва унинг нормаси қай даражада амал қилаётгани, уни бажаришга нималар тўғрама бўлаётгани, шу муносабат билан берилган таклифлар, мурожаатлар, ариза ва шикаятларни муҳокама қилиб, ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўсалар, айни мuddао бўларди. Таъриба шундан дарак берадики, баъзи муаммолар ва ноўрин хатти-ҳаракатлар қонунни чуқур билмасликдан ҳам келиб чиқаётир.

Хуқуқий маънавият бош мавзу сифатида ўрин олган конституцияшуносликдан бошланади. Мамлакатимиздаги хуқуқий тизим ва барча қонунлар Конституцияга асосланган. Хуқуқий онг, хуқуқий маънавият ва хуқуқий маданиятнинг сарчашмаси Конституциядан иборат. Шу боис, Президентимизнинг янги аср бошида берган фармойиши Асосий Қонунимизни ўрганишни таш-

кил этишга янги омил бағишлади.

Конституция овоз Ватанимизнинг демократик тизимини ифодаловчи мўътабар қомус ва айни вақтда уни обод қилиш йўлидаги вазифаларни ҳам акс эттирувчи буюк дастурдир. Уни билиш, унинг талабларига риоя этиш мамлакатимиз бошқа илгор давлатлар қаторида тенг ривожланишининг гаровидир.

Конституциянинг мазмуни билан таниш бўлмаган шахс қонунлар ва уларда ифода этилган ҳуқуқ ва бурчларнинг қадрига ета олмайди. Конституцияни бу жиҳатдан ҳуқуқий саводхонликнинг алифбоси десак, хато қилмаймиш. Ҳар бир инсон Конституцияга норма-ларини чуқур англаши, ўз тафаккурида уларга асосланган илҳос-эътиқодга эга бўлиши, мақсад ва ниятларининг уларга мос бўлишига, ўз ҳаётида улардан ўринли фойдаланишга эришиши зарур.

Ғафур АБДУМАЖИДОВ, республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказининг директори, профессор.

КАФОЛАТИ

қилинган масала бўйича тегишли қонунлар қабул қилинишини тақозо этди. Ана шу қонунлар юқориди кўрсатилган талабларга албатта жавоб бериши керак эди.

Конституцияга асосланган ва унинг талабларига тўла ҳамохан бўлган қонунлар чиқариш жадал давом этмоқда. Ҳаётимизнинг барча асосий соҳаларига оид уч юздан зиёд қонунлар қабул қилинди. Айни вақтда уларнинг баъзиларига ҳаёт тақозо қилаётган қўшимча ва ўзгаришлар киритилмоқда, улардаги қоидалар тобора бойитилиб, муайянлашти-

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида иқтисодли ўқувчиларга чуқурлаштирилган билим бериш мақсадида 1993 йили Қарши Давлат университети ва Мухандислик иқтисодий институти ҳамкорлигида Мирзо Улуғбек номи лицей-интернат ташкил этилган эди.

Янгиликнинг машаққатлари бўлади, албатта. Дастлаб лицей-интернат ишини йўлга қўйиш осон кечмади. Лекин саъй-ҳаракатлар туфайли аста-секинлик билан бўлса-да, малакали педагогик жамоа шаклланди. Ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган моддий техника базаси юзага келди.

— Мамлакатимиз халқ таълимида янги давлат стандартларининг ишлаб чиқилганлиги ўқув жараёнларида самарадорликка эришиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий-услубий ишларни такомиллаштириш имконини берди, — дейди муассаса раҳбари Зайнаб Дўстёрова.

Фидойи жамоанинг

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури шарофати

чилик, коммунал-маиший хизмат турлари бўйича 20 кишига доимий, 50-60 кишига мавсумий иш ўринлари яратилган.

пилмоқда. 30 тонна пахта, 17 тонна сабзавот, 5 тонна мева, 2 тонна дон, 2 тонна гўшт ва бошқа деҳқончилик маҳсулотла-

лар. Бундан ташқари, ўқув даргоҳи ходимлари, ўқувчилар ҳам чуқур ижтимоий Ҳимояда. Уларга ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотлар 50 фоиз арзон нархда сотилмоқда. Ўқувчиларга эса ҳар кун 4 маҳал иссиқ овқат тайёрлаб бериш йўлга қўйилган. 2 та линафон ва 20 та фан кабинетлари, 39 та замонавий компьютер, спорт мажмуаси, 120 ўринли ётоқхона, 280 ўринли ошхона улар хизматиди.

Лицей-интернатда белгиланган низоом асосида 8 та бошқарув гуруҳи тuzилган бўлиб, уларга 85 нафар ўқувчи бириктирилган. Ўқув жараёни, ётоқхона, ошхона ва спорт иншоотларида раҳбарлик ишлари ўқувчилар томонидан бошқарилади ва ҳар ҳафтада бир мар- та гуруҳ бошқарилари муассаса раҳбарига ҳисобот берадилар.

И.ХИКМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИ
ўқувчилар томонидан бошқарилади

даврдда лицей-интернат битирган 582 нафар ўқувчидан 477 нафари, ёки 82 фоизи олийгоҳларга, 105 нафари ўрта махсус ўқув юртралига ўқишга кирди. Айни кунда эса лицейда 437 нафар иқтисодли ёшлар таълим олмақда.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб лицей қошида хўжалик ҳисобидаги кўп тармоқли кичик корхона тuzилган. Унга 26 гектар тажриба майдони ажратиб берилган. Корхонада кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, тикувчилик, кашта-

ри ишлаб чиқарилмоқда. Лицей ҳисобидан шаҳарда «Гўзаллик саломи», нон ва нон маҳсулотлари



Ўқувчилар томонидан бошқарилади

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

Сир эмаски, бир вақтлар Ўрта Осиё, жумладан, мамлакатимиз давлатчилик тарихининг энг муҳим жихатларидан бири саналган XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги халқаро дипломатик муносабатларни ёритишда бир-ёкламалликка йўл қўйилар, у ўзининг ҳолисона баҳосини олмасди.

АМИР НОМАЛАРИ

Ваҳоланки, хоризм босқинидан олдин ҳудуддаги хонликлар, хусусан, Бухоро амирлиги Ўрта Осиёдаги энг бой ва қудратли давлатлардан бири ҳисобланади, унинг давлат қурилиши ҳамда дипломатияси кўшни мамлакатлар сиёсатига юқори даражада таъсир кўрсатиб келар эди. Шу боис ҳам айни кунда бу даврдаги дипломатик муносабатлар, элчилик борди-келдиларига оид нодир кўлёмаларни тадқиқ этиш — халқумизга ўзининг ҳақиқий ўтмишини қайтариб бериш муҳим вазифалардандир.

Тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларига кўз юритиш натижасида шунга амин бўлиш мумкин: 1860 йилда Бухоро тахтига Амир Музаффархоннинг ўтириши билан амирликнинг халқаро алоқалари янги босқичга кўтарилди. Чунки худди шу даврда Россия империясининг Туркистон сарҳадларига тажовуз ҳавфи янада ортиди. Айнан 1860 йилдан бошлаб Қўқон хонлиги тасаруфидоги Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда), Пишпек (Бишкек), Авлиё ота (Жамбул), Туркистон шаҳарларини бирин-кетин босиб олина бошлади. Ана шундай кескин бир вазиятда Амир Музаффархон марказлашган Бухоро давлати ҳамда бутун Туркистон ҳудудини душманлардан сақлаб қолиш учун Англия, Франция, Италия ва Туркия султонилиги каби энг қудратли давлатлар билан ўзининг очик ва махфий дипломатик алоқаларини ўрнатди. Амирлик ўз элчилари орқали Англиянинг Хиндистондаги вакиллари ва Туркия султонилиги, шунингдек, Франция ҳамда Италияга ҳарбий-сиёсий алоқалар ўрнатиш тақлифлари битилган дипломатик номаларини жўнатди.

Бу ҳақда тарихчи Ҳамид ибн Бако Хўжа-нинг ЎзФанинг Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланаётган «Танзил ал-амсол фикири-зикри байон улаҳвол» асариди тўла маълумот берилади. Шунингдек, мазкур асар

муаллифи амирнинг 1864 йилда Тошкент босиб олинганда вақтдан ютиб, ўз қўшинларини йиғиб олиш, Қўқон хонлиги билан давлатлардан Ватан ҳимоясига отланиш мақсадида амалга оширилган дипломатик устамонлиги хусусида шундай ёзади: «Биз ва сизнинг ўртангизда дўстлик юқори даражада бўлганлиги учун ҳеч қачон сизларга нисбатан душманликни раво кўрмаганмиз ва кўрмаймиз ҳам. Бугун биз томондан ёзилаётган хат қарорига асосан Сайхун дарёси ички томони бизники, ташқи тарафи сизнинг мулкингиздир...». «Шунингдек, Амир Музаффар икки давлат ўртасида тижорат борди-келдисини йўлга қўйиш масаласини ҳам кўтарди», дейди муаллиф. Албатта, бу ҳаракатлар ортида ҳарбий-техник жихатдан кучли салоҳиятга эга фарб давлатлари орасидан ишончли-ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий иттифоқчи топши мақсади ётарди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар билан амир Хўжандни ўз ҳимоясига олишга эришарди. Маълумки, бунга қадар Бухоро ва Англия ўртасида яхши дипломатик муносабатлар йўлга қўйилган эди. Масалан, икки мамлакат ўртасидаги бир йиллик савдо-сотик ҳажми 170 минг фунт стерлингни ташкил этар, бу алоқалар йилдан-йилга ривожланиб боради. Шу сабаб Амир Музаффар иқтисодий-сиёсий ҳамкори — Англиянинг Хиндистондаги генерал-губернатори сэр Жон Лоуренсга ҳарбий кўмак сўраб мурожаат этади. Элчи Мухаммад Порсоҳўжа Пешавор орқали Калькуттага келади ва Бухоронинг Англияга содиқлигини билдириб, инглизлардан ҳарбий кўмак — қурол-яроғ, тўплар, молиявий ёрдам ва имкони бўлса кўшин сўрайди. Генерал-губернатор эса аниқ жавоб бермай, элчини ортига қайтариб юборади.

Шу ўринда Мухаммад Порсоҳўжа тўғрисида тўхталаск. Мохир дипломат Мухаммад Порсоҳўжа Бухорода қозикалон (бош судья) лавозимида хизмат қилган Иноятулло Хожаниннг ўғли бўлиб, унга Амир Музаффар даврда

«Муфтий аскария» унвони берилган. Қонуншунослик, тиб ва бошқа илмлар бўйича катта бадиҳиятга эга бўлган элчи бадиятда ҳам ўз ўрнига эга бўлган, анча пишик шеърлар ёзган. Умри-

нинг сўнгги йилларини Хиндистонда ўтказган Порсоҳўжа Бомбей шаҳрида вафот этган.

Шундан сўнг Амир Яхўхўжа Туркия султони-лига элчи сифатида сафар қилади. «1285 йил хўжрийда (милодий 1868 йил, муаллиф санада хато қилган — М.С.) руслар Тошкентга ружум қилди. Амир ... Рум халифаси (Туркия султони — М.С.)га Амир Яхўхўжани дипломатик хат билан жўнатди. Номани қози Абдул Аҳад Садр кўчириб ёзди. Шу қадар ёздики, амир умид қилди. Элчи Халифа орқали амир хатини Франция ва Италия давлатларига ҳам юборди» дейди бу ҳақда тарихчи Ҳамид ибн Бако Хўжа. Афсуски, Туркия султонилиги ёрдам беролмаслигини билдирди, Франция ва Италия эса ўзаро сиёсий низоолар туфайли амир номасини жавобсиз қолдирдилар.

Бухоро амирлигининг Туркия султонилиги ҳамда фарб давлатлари билан дипломатик муносабатларининг натижасида тугашига сабаб XIX асрнинг 60-йилларидан Европада сиёсий аҳволнинг ўзгариши эди. Зеро, 1863 йилги Польшадаги ғалаёнлар ва бу давлатга Россия таъсир кучининг қучайиши, Англия ва Франция ўртасидаги сиёсий келишмовчиликлар, энг асосийси, Германия ерларининг Пруссия давлати қошида бирлашуви бутун Европа ҳукмрон доираларини ўз муаммолари билан машғул бўлишга ундарди.

Мақолаимиз сўнггида биз юқорида имкон қадар сўз юритган мавзу бўйича собиқ совет олимлари томонидан мутлақо аҳамиятсиз деб ҳисобланган кўплаб қимматли манбалар ЎзФА Шарқшунослик институти кўлёмалар фонди ҳамда Республика давлат архивида сақланаётганлигини, улар етук олимлар тадқиқига муҳтож эканлигини таъкидлашни истардик.

Миркомил СОДИҚОВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти аспиранти.

Асримиз бошидан буён фанга «термит» ёки «қирчумоли» номи билан маълум бўлган зарарчунда ҳашоратга қарши самарали восита ишлаб чиқиш ҳамон олимларимиз

Илм-фан янгиликлари

қирон келтирадиган кимёвий бирикма кашф этишга муваффақ бўлди.

ҚИРЧУМОЛИГА ҚИРОН КЕЛТИРАДИ

Этиборида турибди. Гап шундаки, қирчумоли ёғоч ва ёғоч маҳсулотларини кемиради. Айниқса, қадимий тарихий обидаларга жиддий зарар етказиши.

Бу ҳашоратга қарши восита шу вақтга қадар хориздан келтирилган эди. Яқинда эса Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институтининг олимлари қирчумолига

Этиборли томони шундаки, бу кучли таъсир етвучи модда ҳашоратнинг ўз танасидан топилади, дейди институтининг етакчи илмий ходими, биология фанлари доктори Н.Эргашев. Буни қарангки, қирчумолининг қушандаси унинг ўз танасида яшайдиган бир хўжайирли замбуруғлар бўлиб чиқди.


(ЎЗА).

ОДОБНОМА

«Миллий истиқлол — давр талаби» деган мавзуда ўтказилган вилоят ўқитувчилари семинари барчада катта таассурот қолдирди. Тошкент туманидаги 9-мактабда уюштирилган бу анжуманда «Одобнома», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари», «Ватан туйғуси» билимлари курсларидан сабоқ бераётган педагоглар ўзаро фикр алмашдилар.

Анжуманга мазкур фанлар бўйича яратилган дарсликлар муаллифлари ҳам тақлиф этилганлиги айтилди.

Ақбар АЛИЕВ.



ГОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Фарғонада таниқли бокс мураббийи Сидней Жаксон хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро бокс турнири нихосига етди.

Унда хоржий мамлакатлар ва мамлакатимиз вилоятларидан келган 140 нафардан ортиқ чарм қўлқоп усталари ўн икки вазн тоифасида ўзаро куч синашди.

Ҳаёт кизиқарили ва мурасасиз беллашуларда ўз вазн тоифасида чирчиқлик Б.Қоди-ров, А.Раҳимов, бухоролик Х.Ҳайриев, қўқонлик У.Бўрибоев, фарғоналик Д.Махмудов, тошкентлик В.Ляпин, Б.Қўзибоев, жиззахлик Л.Зокоров ҳамда Тошкент вилояти бокс мактаби вакиллари С.Наимов, Қ.Ибуйсинов, И.Бердиев, И.Мадбаев рақибларига нисбатан ҳар томонлама кучли эканлигини намойиш қилиб, голияблик шохсупасининг юқори поғоналарига кўтарилди.

КЎРГАЗМАЛИ ЎҚУВ-СЕМИНАР

Жиззах шаҳридаги олимпиада захиралари коллежида бўлиб ўтган «Аждодлар мероси» республика кўргазмали ўқув-семинари халқ амалий ўйинларини ўрганиш, тиклаш ва тарғибот қилиш муаммоларига бағишланди.

Вилоятнинг Фориш туманида бошланган халқ амалий ўйинлари бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб кенг тарқалган мазкур семинарнинг Жиззахда ўтказилишининг бош сабабидир. Ўқув-семинарда иштирокчилар халқ амалий ўйинларининг маданий ҳаётимиздан мустақкам ўрин олишига эришиш, уларни янада оммабоп қилиш борасида ўзаро фикр алмашди.

(ЎЗА).

БАҲОСИ ЙЎҚ НЕЪМАТ

Тошкентда Марказий Осиё мамлакатларида мевали ва данакли ўсимликларнинг истиқболи, уларнинг агробиохимия-хиллигини ўрганиш масалаларига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Унда Римдаги Халқаро ўсимлик генетикаси захиралари институтининг бошқарув кенгаши аъзолари қатнашди.

Анжуманда минтақадаги шундай ўсимликларни табиий ва маданий ҳолда парваришларининг аҳволи, уларнинг муҳофазасини таъмин-

лаш дастурининг иккинчи босқичи вазифалари белгилаб олинди. Бунда келгусида ушбу ўсимлик турларининг тарқалиши, хусусий боғларда парвариш қилиниши ва янги маҳсулдор навларини яратиш устида илмий тадқиқотлар олиб боришга асосий этибори қаратилган. Шу мақсадда соҳа ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув ташкил этилади. Машғулотларда илмий ходимлар, боғдорчиликка иختисослашган деҳқон ва фермер

хўжалиги аъзолари, ўрмон хўжалиги мутахассислари ҳамда талабалар иштирок этади.

Мамлакатимизда мевали ва данакли ўсимликларнинг эллиқдан зиёб тури мавжуд. Олимларимиз шунлардан олтига истиқболли турини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Боботго ўрмон хўжалигида данакли, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида эса мевали ўсимликларнинг табиий хусусиятлари ҳамда уларнинг агробиохимия-хиллигини сақлаш масалалари ўрганилмоқда.

(ЎЗА).

СОҒЛОМ АВЛОД ЮРТ ҚУДРАТИ

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида спорт ва жисмоний тарбиянинг оммавийлигини ошириш, ёш авлодининг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» мавзусида Олий Мажлисида ўтказилган илмий-амалий анжуман шу борада амалга оширилаётган ишлар ва ечимини қутаётган муаммоларга бағишланди.

— Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида бир ё икки нафар жаҳон миқёсида танилган спортчи бор эди, — деди республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов. — Бугунги кунда спортнинг кўплаб турларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшлар анчагина. Биргина шу йилнинг ўзида жаҳон чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда иштирок этган спортчиларимиз юртимизга 250 та олтин, 200 та кумуш ва 230 та бронза медаллари олиб келди. Лекин спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш фақат шон-шўхрат учунгина эмас, балки соғлом авлодни вояга етказишдаги асосий омиллардан бири бўлиши керак.

Раиснинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда мамлакатимизда барча спорт иншоотларини таъмирлаш ва ривожлантириш фаолият юргизиш учун имкониётлар мавжуд. Энг этиборга молик томони шуки, 16 ёшгача бўлган болалар спорт билан белул шугулланиши.

— Спорт билан Республикада умумтаълим мактабларида жами олти миллион нафар ёшлар таълим олишади, — деди Баҳодир Маҳситов. — Шунга қарамай улардан бор йўғи бир миллион нафаригана спорт билан мунтазам шугулланмоқда.

Анжуманда республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилги мактабларнинг футбол майдонлари аҳволини яхшилаш ҳақидаги қарори суст баҳарилебганлиги таъкидлаб ўтилди. Мавжуд 9 минг 600 та майдоннинг эллиқ фоизиди спорт майдонлари йўқ. Ваҳоланки, турли даражадаги спорт мусобақаларини ўтказишга миллионлаб сўм маблағ сарфланмоқда. Навоий вилоятида ўтган тўққиз ой ичида спорт анжомлари сотиб олишга сарфланган маблағ мавжуд мактаблар ҳисобига тақсимланганда бор-йўғи 2 минг сўмдан тўғри келган. Камчиликлардан қатъи назар ёшлар ўртасида спортга бўлган қизиқиш катта. Уларнинг

сафи тобора ортиб бормоқда. Биргина қаратэ тури билан шу кунларда 70 минг нафарга яқин бола шугулланади. Миллий курашнинг эса уч йил ичида халқаро миқёсга чиқди. Кўплаб нуфузли мамлакатларда кураш федерациялари очилмоқда ва халқаро мусобақалар ўтказилляпти. Ҳукуматимиз томонидан фахрли уч ўрин учун катта миқдордаги пул мукофотлари ва автомашиналар ажратилмоқда.

Бундан етти йил илгари шахмат бўйича биттагина гросмейстеримиз бор эди. Бугун уларнинг сони ўн нафарга етди. Рустам Қосимжонов жаҳон миқёсида кучли ўн бешлик орасидан ўрин олди. Ирода Тўлаганова эса теннис соҳасида йигирманчи ўринни эгаллаб турибди. Буларнинг бари куни-кечагина боқиманда, қолоқ деб қараб келинган юртининг, унинг ёшларининг муваффақияти. Буларнинг ортида эса мамлакат ҳукуматининг спортга, соғлом турмушга бўлган этибори ва ёшларнинг тинимсиз машаққатли меҳнатлари етибди.

Анжуманда нотиклар соғлом оила мезонлари хусусида ҳам ўз мулоҳазаларини билдиришди. Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Машқур Сафаева ёшларнинг никоҳга киришида тиббий кўрикдан ўтишга бўлган этиборлари хусусида батафсил тўхтади. У икхирий бўлиши керакми, мажбурийми? Афсуски, бу масалага айрим ёшлар енгил-елпи қарамоқда.

Шу йилнинг олти ойида республикаимизда 59 минг нафар никоҳ қайд этилган бўлса-да, ёшларнинг ярминдан камроғи никоҳгача тиббий кўриқдан ўтган. Ваҳоланки, тиббий кўриқлар оилага соғлом авлод дунёга келишидаги бош қафолатлардан бири ҳисобланади. Кўриқлар вақтида ёш оилада соғлом авлод туғилишига халал берадиган жиддий касалликлар аниқланиб, улар вақтида бартароф қилинляпти.

«Туркистон-пресс»

Биласизми?

«ОТ КУЧИ» НИМА?
Хўш, от кучи деганининг ўзи нима, шундай дейиш тўғрими?
XVIII асрнинг охирида Англиядаги заводлардан бирининг эгаси машҳур механик Жемс Уаттдан у 75 килограмметр-сония қувватга сотиб олишга қарор қилди. Бу машина битта отнинг ишига нисбатан кўпроқ ишни бажариши лозим эди.

Заводчи бой отлари орасидан энг зўрини танлаб, уни бор кучи билан насос ёрдамида сув чиқаришга мажбур қилди. Уатт отнинг шундай қувватини 70 килограмметр-сония деб баҳолайди. «Механик от» жонли отдан қолишмасин деб, у 75 килограмметр-сония қувватга эга бўлган машина ясаб берди.

Шундай қилиб, «от кучи» деган ном ҳам, 75 сония ҳам техникадан жой олди ва ҳозирда ҳам ишлайтиб келинмоқда.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўртакчи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тугуҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Обфсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.